

15. Чепель, С. В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана: монография. — Ташкент: IFMR, 2014. — 316 с.
16. Абдухакимов, А., Эшпўлатов, Д., Халимжонов, Д., & Бегимкулов, Ж. (2022). Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиши сифатини аниқлаш ва унинг кўрсаткичлари таҳлили. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(4), 16-31. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/560>
17. Макаров, А.Н. Импортозамещение как инструмент индустриализации экономики региона. Инновационный аспект. На примере Нижегородской области / А.Н. Макаров. — Текст : непосредственный // Инновации. — 2011. — № 5. -С. 90-93.
18. Вахобов А.В., Тожибоева Да.А., Хожибакиев Ш.Х. "Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар". Ўқув қўлланма./ проф. А.Вахобовнинг умумий таҳрири остида.Т.: Молия-2011. 287-с.
19. Волкодавова Е.В. Реализация стратегии импортозамещения продукции на российских промышленных предприятиях.//Экономические науки.2009.№12 С.281-286.
20. Фальцман В.К. Форсирование импортозамещения в новой geopolитической обстановке.// Проблемы прогнозирования. 2015. №1. С. 22-32.
21. Akmal, A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). Current state of impact of foreign investment on the quality of economic growth of the country and regions in Uzbekistan. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 12(4), 24-29.
22. Akmal, A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). Theoretical aspects of industrial policy implementation. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(4), 19-23.
23. Akmal A., Dostonbek, E., Odina, J., & Nozima, A. (2022). The impact of financial literacy growth on entrepreneurship activity and income level growth. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(4), 24-29.
24. Abduvokhidov A. A. et al. Mechanisms of import substitution policy in the region //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 12. – С. 45-59.



doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a4](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a4)

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Маманазаров Мансур Абдухакимович -**  
ЎзМУ маркетинг ва талабалар  
амалиёт бўлим бошлиғи

**Аннотация.** Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларниң устувор йўналишлари ва истиқболларини белгилашда давлат комплекс таркибий сиёсатини амалга ошириш тадбирлари мажсуми ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, таркибий ислоҳотлар орқали узоқмуддатли барқарор ўсишининг пойдеворини яратиш бўйича илмий-услубий ва амалий тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

**Ключевые слова:** миллий иқтисодиёт, ЯИМ, саноат, инвестиция, ишлаб чиқариш, тақрор ишлаб чиқариш, солик ва кредит, кичик ва ўрта тадбиркорлик.

### УСТОЙЧИВЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИЗМЕНЕНИЯ СОСТАВА В МОДЕРНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

**Маманазаров Мансур Абдухакимович -**  
Заведующая отделом маркетинга и студенческой практики  
Национального университета Узбекистана

**Аннотация.** В данной статье разработан комплекс мер по реализации комплексной государственной политики по определению направлений структурных изменений в условиях модернизации национальной экономики. Кроме того, даются научно-методические и практические предложения и рекомендации по созданию фундамента долгосрочного устойчивого роста за счет структурных реформ.

**Ключевые слова:** национальная экономика, ВВП, промышленность, инвестиции, производство, воспроизводство, налог и кредит, малое и среднее предпринимательство.

### SUSTAINABLE DIRECTIONS AND PROSPECTS OF CHANGING THE COMPOSITION IN MODERNIZATION OF THE NATIONAL ECONOMY

**Mamanazarov Mansur Abdulkakimovich -**  
Head of Marketing and Student Practice Department,  
National University of Uzbekistan

**Abstract.** In this article, a set of measures for the implementation of the comprehensive policy of the state in the modernization of the national economy has been developed. In addition, scientific, methodological and practical proposals and recommendations are given for creating the foundation for long-term sustainable growth through structural reforms.

**Keywords:** national economy, GDP, industry, investment, production, reproduction, tax and credit, small and medium business.

**Кириш.** Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши кўп қиррали жараённи ўзида мужассамлаштириб, аҳоли турмуш даражасининг ошиши, иқтисодий ўсиш, таркибий ўзгаришлар ва бошқаларга таъсир қўрсатади. “Иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар” тушунчалари иқтисодиётнинг ўтувчанлик хусусияти ва янги шакланаётган иқтисодий ҳолат белгилари билан боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар унинг таркибидаги ўзгаришлар билан биргаликда содир бўлади. Миллий иқтисодиёт эҳтиёжлари ва тез ўзгариб бораётган рақобат кураши шароитларининг таъсирида узлуксиз таркибий ўтишлар жадал юз бермоқда ва у давлат бошқаруви таъсирида амалга оширилмоқда [1].

Иқтисодиёт модели ва унинг хоссаларини ўзгартиришга қаратилган бошқарувнинг таркибий таъсиrlари таркибий ислоҳотлар, дейилади. Таркибий сиёsatнинг шаклланиши унинг мақсади ва иқтисодиёт ривожланишининг тегишли босқичидаги устувор йўналишларини, устуворлик мезонлари, таркибий тартибга солиш усуллари ва дастакларини назарий асослашни кўзда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 деқабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: “Эндиғи вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат”[2], деб таъкидлаб, кейинги йиллардаги таркибий сиёsatнинг қўйидаги устувор йўналишларини кўрсатиб бердилар:

- биринчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этиш. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш;

- иккинчидан, давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш. Ҳозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун давлатга оғир юқ бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан бошлаб, барча давлат корхоналарини ислоҳ этиш дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, келгуси йилда Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекнефтгаз, Ўзбекгидроенерго, Ўзавтосаноат халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Электр энергетикаси, нефть-газ ва кимё саноати, машинасозликдаги йирик корхоналар ҳамда тижорат банкларини ислоҳ қилишга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Mackenzie, Boston Consulting Group, Rothschild каби халқаро тан олинган компаниялар жалб этилди;

- учинчидан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш. Келгуси йилда “Фаргонаазот” ва “Деҳқонобод калий” заводлари, “Кока-кола ичимлиги” корхонаси, “Билдирий” ва “Чорвоқ” оромгоҳлари, “Иchan қалъа” ва Xuatt Regency меҳмонхоналари, “Пойтахт” бизнес мажмуаси, алкоголь, ёғ-мой каби тармоқларидаги 83 та йирик корхонадаги давлат улуши сотувга қўйилади. Умуман, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баравар қисқартирилади;

- тўртинчидан, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда тадбиркорларга хомашё сотиб олиш учун teng имкониятлар яратиш. Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металлар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланади. Шунингдек, табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор механизмлари жорий этилади. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орақали табиий газни сотиши, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Суюлтирилган газ бозорида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган божлар бекор қилинади. Заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратилади. Бунда 2021 йил 1 марта бошлаб, кумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиши тартиби ўрнатилали. Автомобиль саноатида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва корхоналарга teng шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони қўпайтирилади. 2021 йилдан бошлаб, озиқ-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акциз солиги бекор қилинади. Ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда. 2021 йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 трлн. сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиши имкониятига эга бўлишади;

- бешинчидан, иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатбардош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни қўпайтириш орқали эришилади. Харвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имконият ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, курилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-

пойафзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд. Ҳозирги кунда Ғозғондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бosh, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги Технопарк каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзаликлигини намоён этмоқда;

- олтинчидан, макроиқтисодий барқарорлик иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдеворидир. Шунинг учун келгуси йилда инфляцион таргетлаш доирасида, нарх-наво ўсишини 10 фоиздан ошираслик Марказий банк ва ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади;

- еттинчидан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиди.

2021 йилда “Солиқ-кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес-ҳамкорларининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади. Тадбиркорларга янада қулийлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва руҳсатнома турлари бекор қилинади. 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади. Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз “оёққа туриб олишлари” учун уларга кўмак бериш давом эттирилади. Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзлар 2021 йил яқунигача узайтирилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 млрд.сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, 1 млрд. сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилиб, тадбиркорлар қўшимча 1,5 трлн. сўмгача айланма маблағларга эга бўладилар. Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оиласвий тадбиркорлик дастурлари доирасида 2021 йилда 6 трлн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 млн. долл.йўналтирилади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилади. Тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга эълон қилинган мораторий муддати яна бир йилга узайтирилди. Шу билан бирга, ҳукумат томонидан бозорда teng рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок тадбиркорларни, замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақса-

дида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади;

- саккизинчидан, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишdir. Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртacha 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сув тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этиш лозим. 2021 йил барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновация марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади;

- тўққизинчидан, барча вилоят, туман ва шаҳар ўз йўналиши ва “ўсиш нуқталари” дан келиб чиқиб, ривожлантирилади. Бунинг учун келгуси йилда 3 трлн.сўмлик ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасини тузиш. Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда саноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва махсус логистика марказлари ташкил этилади;

- ўнинчидан, 2021 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилади. Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқичма-босқич ўтилади;

- ўн биринчидан, янги экспорт бозорларига чиқиши ҳукуматнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. 2021 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

**Адабиётлар таҳлили.** Ҳозирги шароитда бу мамлакат фаровонлиги учун яхшигина унумдорлик даражасига эга бўлган қўплаб иш ўринлари мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Шундагина миллий иқтисодиёт турмуш даражасини автоматик равишда оширадиган мутлақо янги белгиларга эга бўлади. Бу маҳсулот нархининг пасайишига ва ўз навбатида, кишилар турмуш даражасининг ошишига олиб келади. Кембридж университети профессори Карлота Перес ўсиш спиралини кўрсатиб, умумий модернизациялаш нуқтаи назаридан ўсиб бораётган ва долзарб инновацион қарорларга (ёки объективиравишда ўсиш катта салоҳиятига) эга бўлган сегментлар ажратилиши зарурлигини кўзда тутади [3].

Профессор Э.С.Райнерт қувиб ўтувчи модернизацияга таяниб, яна бир оддий тамойилни таклиф қиласди, бу эса ўз навбатида, ўсиш спирали учун зоналарни ажратиш имконини беради. У ислоҳотлар бошлангунга қадар ишлаб чиқариш

динамикасини таҳлил қилиш зарурлигини ва маҳсулот ишлаб чиқаришда катта йүқотишларга әга бўлган зоналар истиқболли бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, мамлакат ресурслари таркиби бундай лаёқатларни рўёбга чиқаришга ёрдам беради [4].

Ю.Суслова ва О.Демченко жаҳон амалиётида таркибий ислоҳотларнинг асосий вазифаларини қўйидаги турларга ажратган: - юқори самарали, рақобатбардош ишлаб чиқаришларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва истиқболсизларини чеклашни таъминлаш; - инфратузилмани ривожлантириш; - ўсиш соҳаларининг фойдасига стагнация тармоқлари ва ўсиш соҳалари ўртасида ресурсларнинг асосий турларини давлат томонидан қайта тақсимлашни рағбатлантириш [5].

Л.С.Бляхман тадвивотларига кўра, давлат даражасида амалга оширилаётган вазифалар қаторига қўйидагилар киради: - қолоқ минтақаларни жадал ривожлантириш; - барқарор иқтисодий ўсиш учун таркибий шароитларни таъминлаш; - юқори технологияли ва илмий-техник мажмуаларни жадал ривожлантириш; - жамиятда ижтимоий муҳитни янгилаш; - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик салмоғини ошириш; - такрор ишлаб чиқариш жараёнини функционал янгилаш; - иқтисодий тизимлар ички муҳити таркибий тузилишини ислоҳ қилиш; - рақобатли ўзаро таъсир иштирокчиси сифатида мамлакат инвестицион салоҳиятини ошириш [6].

Т.С.Колмыкова таъкидлашича, минтақаларнинг барқарор суръатда ривожланишини таъминлаш учун таркибий-инвестицион сиёсатни амалга ошириш зарур. Таркибий-инвестицион сиёсатнинг мақсади режалаштирилаётган таркибий ислоҳотларни тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашдан иборат бўлади[7].

Иқтисодий адабиётларда “инвестиция сиёсати” тушунчасига берилган турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан турли мақсадга йўналтирилганлиги жиҳатидан фарқланади. Россиялик тадқиқотчилар жумладан, С.В.Лапочкинанинг фикрича, инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсати йўналишларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий, таркибий, саноат, илмий-техник, пул-кредит, фискал ва нарх сиёсатлари йўналишлари билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади [8].

В.А.Литвиненко инвестиция сиёсатининг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларини яхшилаш ва инвестициялаш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат, минтақа ва муниципал даражаларда

таъсир кўрсатишининг ташкилий-иқтисодий тадбирлари мажмуи сифатида таърифлаган [9].

Н.В.Игошин инвестиция сиёсатини “...давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий бўғини, капитал қўйилмалар ҳажми, таркиби ва йўналишларини белгиловчи тадбирлар тизими, асосий фондларнинг ўсиши ва уларнинг фан ва техниканинг янги ютуқлари асосида янгиланиши сифатида таърифлайди. Инвестиция сиёсати инвестиция жараёнини рағбатлантиради ва тартиба солади, давлат, минтақа, тармоқ ва бутун бизнеснинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади” [10].

Л.Л.Игонина таркибий-инвестицион сиёсат обьектини таркибий ислоҳотлар ўтказиш мақсадида минтақа иқтисодиётига инвестиция қўйилмаларини жойлаштириш масалалари бўйича унинг субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар мажмуини ўзида мужассамлаштирадиган минтақавий хўжалик тизими иқтисодиёти деб таърифлаган [11].

Ю.В.Вертакова ва Е.С.Харламовалар таркибий-инвестицион сиёсат субъектларини қўйидагиларга ажратиб кўрсатган:

- давлат ҳокимияти органлари, тижорат ташкилотлари ва корхоналари, патент асосида фаолият кўрсатувчи жисмоний шахслар;

- инвестиция лойиҳаларини босқичмабосқич амалга ошириш билан шуғулланадиган (LOYIҲАЛАШТИРИШ БОСҚИЧИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШГАЧА) саноат-ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари;

- инвестиция жараёни иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи молиявий тузилмалар [12].

**Тадқиқот методикаси.** Миллий иқтисодиётни модернизациялаш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратиш бўйича маълумотни гурухлаш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усусларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Таркибий сиёсатни амалга ошириш доирасида белгиланган вазифаларни комплекс ҳал қилиш лозим, у мамлакат умумий ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мустақил ҳисми ҳисобланади. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, комплекс таркибий сиёсат доирасида инвестицион, саноат ва инновацион сиёсатлар ажратилиб, уларнинг мақсадлари таркибий сиёсат пировард мақсадларига асосланган (1-жадвал).

**Давлат комплекс таркибий сиёсатини амалга ошириш тадбирлари мажмуу**

Турлари	Мақсадга йўналтирилганлиги	Асосий вазифалар	Амалга ошириш усуллари ва йўллари
Саноат сиёсати	Саноат соҳасининг рақобатбардошлигини таъминлаш	Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш. Фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларни ривожлантириш.	Давлат томонидан инвестициялаш, давлат буюртмалари, давлат кафолатлари.
Инвестиция сиёсати	Инвестиция салоҳиятини фаоллаштириш учун мақбул шароитларни яратиш	Инвестиция жараёнини босқичма-босқич номарказлаштириш. Корхоналарни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш.	Солиқ ва кредит орқали тартибга солиш.
Инновацион сиёсат	Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги ва технологик даражасини ошириш	Инновация жараёнини фаоллаштириш. Фан ва ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва қўллаб-кувватлаш. Фаолият кўрсатайтган фан сиғимкорлиги юқори корхоналарни қўллаб-кувватлаш. Янги фан сиғимкорлиги юқори корхоналарни ташкил қилиш.	Давлат инвестициялари, субсидиялаш
Инқирозга қарши сиёсат	Мамлакат иқтисодиёти инқирозли тармоқларини ўзгартириш	Иқтисодий циклларни алмаштиришни интенсивлаштириш (технологик укладлар). Инқирозли тармоқларни ислоҳ қилишдан ижтимоий-иқтисодий йўқотишларни қўскартириш.	Банкротлик, давлат кафолатлари, суғурталаш, кичик тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш.
Кадрлар сиёсати	Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш	Меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигини кучайтириш. Меҳнат ресурслари сифатини мамлакат иқтисодиёти тармоқ таркибининг эҳтиёжларига мувофиқлаштириш.	Давлат кафолатлари, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш.
Бюджет-солиқ сиёсати	Мамлакатнинг мувозанатлашган, консолидациялашган бюджетини шакллантириш	Бюджет харажатларини оптималлаштириш. Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш.	Қарз сиёсати, пул-кредит сиёсати, нарх сиёсати.

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Таркибий сиёсатни амалга ошириш ва мониторинг қилишнинг турли усул ва воситалари, бўғинлари мавжуд. Жумладан, миллый иқтисодиёт ижтимоий такрор ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши давлат таркибий сиёсатининг пировард мақсадларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, минтақавий таркибий-инвестицион сиёсат деганда маҳаллий бошқарув органлари томонидан комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик муҳим муаммоларини ҳал қилиш мақсадида инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича ўтказилаётган, мақсадга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Республикамиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги 10 йилдаги ўсиш суръатлари турлича бўлиб, олдинги йилларга нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу инвестиция дастури учун 850,5 трлн. сўмлик инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги

хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2020-2022 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2020-2022 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари тасдиқланди. 206 та янги ишлаб чиқариш кувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 2020 йилда йирик ишлаб чиқариш обьектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури қабул қилинди.

Статистик таҳлилларни миллый валютамиз мисолида давом эттирадиган бўлсак, расмий маълумотларга кўра, 2020 йилда 202000,1 млрд.сўмлик капитал қўйилмалар қилинди. Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши эса 34,8% ни ташкил этгани ҳам мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни

такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг тамойиллариdir.

Мамлакатимиз иқтисодиётiga жалб этилаётган инвестициялар манбалари ва улардан

фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлиари рўй бермоқда. 2020 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 6,5%, чет эл инвестициялари 42,9%, корхоналар ва аҳоли маблағлари 34,6%ни ташкил этган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### 2005-2020 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, %да

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2010 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2020 й.
Давлат бюджети	12,3	5,2	4,7	5,0	4,2	4,2	4,3	4,8	3,8	6,5
Хорижий инвестициялари	21,7	26,4	19,0	18,1	18,6	18,6	20,7	23,8	29,2	42,9
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	57,4	52,5	56,0	57,9	57,7	56,1	54,4	47,3	39,3	34,6
Бошқа манбалар	8,6	15,9	20,3	19,0	19,5	21,1	20,6	24,1	27,7	16,0

**Манба:** Ўзбекистон иқтисодиёти: ахборот-таҳлилий бюллетенъ, 2015 йил январь-декабрь. Т.: 2016. -Б.16-17; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 июнданги №01/2-01-19-682-сонли хатига, асосан, олинган маълумотлар асосида тузилди.

Инвестиция бозори инфратузилмасини шакллантирища иқтисодий субъектларнинг инвестиция ва молиявий эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга бўлган тижорат банклари, банқдан ташқари молиявий ташкилотлар, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий воситачилар муҳим роль ўйнайди.

2020 йилда ўзлаштирилган марказлашмаган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 80,5%ини ташкил этган. 2020 йилда жами инвестицияларнинг (113322 млрд. 056,0 млн.сўм) 56,1% идан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари (34,6%), инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари (14,1%), давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари (7,4%) ҳисобидан шакллантирилган.

Юқорида қайд этилганларни умумлаштириб, инвестиция жараёнини бошқариш самарадорлиги субъектнинг потенциал инвесторни инвестиция фаолиятини бошлашига бевосита боғлиқ бўлиб, у исталган даражада таркибий-инвестицион сиёсатни шакллантириш ва муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим мезони ҳисобланади[13]. Самарали минтақавий таркибий-инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш жараёни субъектлар хўжалик фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олиши зарур. Шу маънода таркибий-инвестицион сиёсатнинг икки турини ажратиш мумкин:

- тармоқ, бунда ҳар бир тармоқ ўзининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади: алоҳида таркибни шакллантирувчи корхоналар ва фойдани муайян тармоққа тўплаш, жамлашга устуворлик берилади;

- кластерли, кластер турли тармоқ ва корхоналарни умумий мақсаддага эришишда коопeraçãoциялашга қаратилган [14].

Таъкидлаш керакки, асосий капиталга самарасиз инвестициялар асосий капиталдан паст қайтимга олиб келди ва бунинг оқибати сифатида ташқи инвесторларни жалб қилишни рағбатлантирумади. Асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга харажатлар барқарор пасайган (26,3%) шароитда янги қурилишларга қўйилмалар (51,1%) устунлик қилди. Бунда асосий капиталга инвестицияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг бирламчи ва иккиламчи секторларини ривожлантиришга ўйналтирилиб, уларнинг хом ашёга ўйналтирилганлиги билан боғлиқ равишда, қўшилган қўйматлар улуши иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларига нисбатан анча паст.

Бу кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилаётган даврда асосий капиталга инвестициялар ЯИМ ўсиш суръатларининг ўсишига деярли таъсир кўрсатмаганлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, олинган натижалар республика иқтисодиётининг ўсиши, асосан, хорижий инвестициялар ҳисобига эмас, балки кўпроқ ички инвестициялар ҳисобига кечაётганилиги билан белгиланади.

Жумладан, асосий капиталга инвестициялар 6 марта ошган шароитда мамлакат ЯИМ атиги уч бараварга кўпайди. Бу эса инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигидан далолат беради. Асосий капиталга ички инвестициялардан самарасиз фойдаланиш эса маълумки, хорижий инвесторларни чеклайди. Таққослаш учун: Германия, Греция, Жанубий Корея, Арманистон ва Украина каби мамлакат-

ларда ушбу нисбат ЯИМ нинг асосий капиталга инвестициялар ўсишига қараганда илгарилаб борувчи ўсишини кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишга доир олиб борган тадқиқотимиз натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Таркибий силжишларга тезкор динамизм хос бўлганидан таркибий ислоҳотларни тез-тез ўтказиб туриш талаб қилинади. Чунки товар ва хизматларга бўлган бозор талаби шиддат билан янгиланиб боради. Буни биринчидан, эҳтиёжларнинг юксалиш қонуни тақозо этса, иккинчидан, аҳоли харид қобилиятигининг ошиб бориши юзага келтиради. Ҳозирги бозор талабининг фоят эгилувчан бўлиши шунга мос равища, таклифнинг эгилувчанлигини оширади ҳамда товар ва хизматларнинг миқдоридан ташқари уларнинг таркибини янгилашни талаб этади. Бунга амал қилиш учун таркибий ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш, унга хос бўлган ижобий трендларни аниқлаш, уларни кучайтириш йўлларини белгилаш зарур. Таркибий янгиланиш истиқболларини илмий асослаб бериш уни иқтисодий стратегиянинг бош бўғинига айлантиришга қаратилиши лозим.

2. Иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда жисмонан ва маънавий жиҳатдан эскирган ускуналарни янгилаш, модернизациялашга инвестицияларни устувор йўналтириш; ишлаб чиқаришда энергия билан таъминланганлик даражасини ошириш ва технологик жараёнларни мақбуллаштиришни кредитлаш механизми орқали қўллаб-қувватлаш; иқтисодиётда самарали рақобат муҳитини шакллантириш асосида маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтиришга қаратилган чоратадбирларни кучайтириш; экспорт қилинадиган маҳсулотлар турлари ва географиясини дивер-

сификациялаш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб қилиш ишларини давом эттириш.

3. Таркибий янгиланиш орқали ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш, бунга эришишда бозор механизми ва давлат иқтисодиётни тартиблаш воситаларини таҳлил қилиш зарур. Бозор механизми устуворлигини таъминлаш либерализм тамойилларига кенг йўл очишни, бозор сигналларига асосан, ресурсларни соҳалар ўртасида қайта тақсимлаб, керакли соҳаларга жойлаштирилишини билдиради. Бу борада таркибий ўзгаришларга қаратилган стратегик дастурларни илмий асослаш зарур.

4. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асосларини яратиш, уларни давлат томонидан имтиёзли кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишида фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш; қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисобкитоблар тизимини такомиллаштириш қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришларнинг йўналиши бўлиши зарур.

5. Жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш учун Ўзбекистон капитал сифимкорлиги юқори бўлмаган ва тезда амалга ошуви диверсификация йўлидан бориши зарур. Ўзбекистон енгил, озиқовқат саноати ва мева-сабзавот ишлаб чиқаришда ушбу соҳалардаги экспорт потенциалида устуворликка эришиши мумкин. Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити шакллантирадиган экспорт афзаллиги доимий хусусиятга эгалигини эътиборга олиш лозим.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муллагалеева З.З., Ростов Е.В. Роль национальной структурной политики в государственном управлении региональным развитием Российской Федерации [Текст] / З.З Муллагалеева, Е.В.Ростов // Вестник Томского государственного университета. 2009.-Вып.318.-С.179-185.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабря Олий Мажлисга ўйллаган Мурожаатномаси./[www.president.uz](http://www.president.uz)
3. Гурова Т. Нация-предприниматель, // "Эксперт", №36, 2010. -С.26.
4. Райнерт Э.С. Реформирование России: раунд третий. Соревнование или промышленное преимущество? // "Эксперт", №36, 2010г. -С.20.
5. Суслова Ю.Ю., Демченко О.С. Экономическая структура и структурная политика как факторы макроэкономической динамики в условиях кризиса [текст].// Ю.Ю.Суслова, О.С.Демченко.// Фундаментальные исследования.-2016. №3-2.-С.427.
6. Бляхман Л.С. Три цвета экономического времени. Совершения и проблемы Российской экономики .[текст]: учебник / Л.С.Бляхман. СТЙ. ИПЦ СП ГУТД, 2011. - 247с.
7. Колмыкова Т.С.Проблемы управления процессом инвестирования структурных преобразований в промышленном секторе экономики России. [Текст] //Вестник университета. №21-М.: Издательский дом. Гоу ВПО «ГУУ», 2009. -С.123-128.
8. Лапочкина, Людмила. (2015). Государственное регулирование промышленного развития на макроуровне. Russian Journal of Entrepreneurship. 16. 10.18334/gr.16.12.315.
9. Литвиненко В.А. Инвестиционная политика России:состояние и перспективы развития [Текст] //В.А.Литвиненко//Аудит и финансовый анализ.-2008.-№2. -С.1-9.

10. Игошин Н.В.Инвестиции. Организация управления и финансирование. [Текст]. /Н.В.Игошин;учебник для вузов.-М.:ЮНИТИ-ДАНА,2002.-112с.
11. Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб.пос. [Текст] //Л.Л.Игонина. Под ред.д-ра экон.наук,проф. В.А.Слепова.-М.:Экономист, 2005.- 478с.
12. Вернакова Ю.В., Харламова Е.С. Основные проблемы институционального обеспечения государственной политики структурных преобразований в высокотехнологичном секторе Российской промышленности. [Текст]. // Экономика и предпринимательство. -2016. -№2. -1(67-1). С.458-464.
13. Колмыкова Т.С., Брагин Н.И., Щербаков А.П. Структурно – инвестиционные преобразования в экономике: Монография [Текст]. / Т.С.Колмыкова, Н.И.Брагин, А.П.Щербаков. -М.: Информационно-внедренческий центр "Маркетинг"-2008. -136с.
14. Иваненко Л.В. Региональные кластеры и способы их выделения [Текст] / Л.В.Иваненко.//Вестник Самарского государственного экономического ф-та. 2007. №1. (27). -С.48-52.



### “ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК” ВА У БҮЙИЧА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a5](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a5)

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -**  
Фарғона политехника институти, Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит кафедраси ассистенти

**Аннотация.** Ҳар бир давлатнинг, қолаверса ҳар бир саноат корхонасининг энг асосий ва олий мақсадларидан бури – бу, албатта, иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Маълумки, турли соҳалар учун зарурӣ ҳисобланган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб бевосита саноат тармоғи корхоналари томонидан таъминланади. Шундай экан, саноат тармоғи корхоналарининг ҳозирги ҳолати ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қай даражада қондира олишини белгилаб беради.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий барқарорлик, самарадорлик, барқарорлик, тизим барқарорлиги, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий ўсиш

### “ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ” И ХАРАКТЕРНЫЕ ЧЕРТЫ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НА ЭТО ПОНЯТИЕ

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -**  
Ферганский политехнический институт,  
Старший преподаватель кафедры "Бухгалтерский учет и аудит"

**Аннотация.** Одной из самых основных и высших целей любого государства, как и каждого промышленного предприятия, является, конечно же, обеспечение экономической стабильности. Известно, что спрос на продукцию и средства производства, которые являются необходимыми для различных отраслей промышленности, непосредственно обеспечивается предприятиями промышленной сети. Таким образом, текущее состояние предприятий промышленной сети определяет, в какой степени производитель может удовлетворить потребности субъектов в своей продукции.

**Ключевые слова:** экономическая стабильность, эффективность, стабильность, системная стабильность, экономическая эффективность, экономический рост

### “ECONOMIC STABILITY” AND CHARACTERISTIC FEATURES OF THEORETICAL VIEWS ON THIS CONCEPT

**Abdullayeva Sevarakhon Khasanovna -**  
Fergana Polytechnic Institute, Senior lecturer of  
the Department "Accounting and Audit"

**Annotation.** One of the most basic and highest goals of any state, as well as of every industrial enterprise, is, of course, to ensure economic stability. It is known that the demand for products and means of production, which are considered necessary for various industries, is directly provided by the enterprises of the industrial network. Thus, the current state of the industrial network enterprises determines to what extent the manufacturer can meet the needs of the subjects in their products.

**Keywords:** economic stability, efficiency, stability, system stability, economic efficiency, economic growth

**Кириш.** Ривожланган саноат тизими ўзида нафақат ишлаб чиқариш соҳаларини, саноат корхоналарини ва ишлаб чиқариш жараёнларини, балки инфратузилма обьектларини ҳам му-

жассам этади. Бунга асосий сабаб шуки, замона- вий саноат тизимининг барқарор ривожланиши да турли инфратузилма обьектлари, яъни инновация сифими юқори бўлган ишлаб чиқариш-